

Жанг – икки тарафнинг курашидир. Унинг бошланиши ўз-ўзидан бўлмайди. Ноҳақлик рўй берган жойда жанг бошланади. Каримов режими номардлик йўли билан Ўзбекистон ҳукумати тепасига келган вақтдан буён ҳақиқат ва ёлғон орасида жанг бошланган. Каримов ва унинг режими ёлғон ва хиёнатлар устига ўзини курди. Ҳақиқат байроғини тутганларнинг қўлини кесди, бошини узди ва юртдан бадарға қилди.

Албатта, синов дунёсида ёлғон қанчалик тантана қилмасин, унинг дум кесик, умри калта экани исботи учун ҳам қазоблар баъзан кучга тўлгандек, одамлар устидан чексиз ҳукмронлик қилаётгандек кўрсатилади. Асл ҳақиқатлардан бири шуки, зулм ва хиёнат ўзини “Ҳақ” сувратида қанчалик маҳорат билан намоён қилмасин, ўн, йигирма, ўттиз, ҳатто, юз йиллаб ҳукмронлик кўланкасида ўтирмасин, унинг кечираётган ҳар бир лаҳзаси, нафас олаётган ҳар бир дами кўркув ва безовталиқ исканжасида ўтади. Чунки ёлғон ва қароқчилик устига ўз ҳукмини қурган одам, унинг тўдаси қачондир ер юзида худди мавжуд бўлмагандек супурилиб кетишини яхши билади. Чунки ботқоқнинг тепасига солинган қасрни, албатта, ер ютади. Чунки дарахтлари кесилган ўлканинг тупроқлари эрозияга учрайди ва бағридаги иморатларни тутиб тура олмай, емирилиб адои тамом бўлади.

Буни золим – хоин яхши билади. Шунинг учун кўрқади. Талвасага тушади. Типирчилайди. Ҳозир майдонда икки курашчи: Ўзбекистон Халқ ҳаракати ва Каримов режими (Ўзбекистон Халқ ҳаракати чет элдаги муҳолиф лидерлардан иборат эмас, бу ҳаракатнинг тарафдорлари юрт ичкарасида сиз тахмин қилаолмайдиган даражада кўп!).

Каримов ўз мақсадини “Обод ва озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” деб эълон қилган. Бу ғоясининг назарий жиҳатларини ишлатган. Бир қанча китоблар ёздириб, ўз номидан нашр



МАҲОРАБА: ЎХҲ ВА КАРИМОВ РЕЖИМИ

қилдирган. Бу, албатта, собиқ Шўро раҳбарларининг ишлаш услубига хос жиҳатдир. Каримов бу услубга жуда содиқ қолган.

Каримовнинг одамларга кўрсатган ғояси шундай бўлса-да, аслида қилаётган ишлари, қалбининг тубига беркитган ғоялари ўзгачароқ. Чунки унинг тили бошқача, дили бошқача. Унинг бир эмас, бир неча юз, минг хил башараси бор. Турли қиёфаларда турланиш маҳорати ўта юксак.

Каримов ва у бош бўлиб турган режимнинг асл ғояси қуйидагичадир:

1. Бу ҳаётда ҳеч қандай меҳнат қилмасдан, пешона терлатмай бой, тўкин ва хавфсиз умр кечириш, иложи бўлса, умуман ўлмаслик.

2. Одамлар устидан чексиз даражада ҳукмронлик қилиш.

3. Оиласининг хавфсизлигини кафолатлаш.

Бу мақсадларга эришиш осон эмас. Бунинг учун одамларни турли ёлғон ғояларга ишонтириш керак, ким қарши чиқса, жазолаш ва ўлдириш керак. Ўзига ўхшаш қазоб, қаллақесар, ўғри ва қароқчиларни топиш, бошларини

бир қилиш шарт. Бу тўда ўзининг асл башарасини турли бўёқлар билан бўяшни ҳам уйдлаши даркор. Хуллас, иш кўп.

Каримов буларни анча муваффақиятли эплаб келяпти. Лекин касалини яширсанг, иситмаси ошқор қилади деганларидек, унинг талвасаси ҳар лаҳза фош бўлиб турибди:

1. Каримовнинг шахси бутун мамлакатда илоҳийлаштирилган. Каримов шахсини танқид қилган одам жиноятчи ҳисобланади.

2. Мавжуд тузумни, олиб борилаётган “ислохотлар”ни текшириш у ёқда турсин, таҳлил қилиш мумкин эмас.

3. Дин борасида кучли чеклов жорий қилинган. Араб мамлакатларида, Покистон ва Ҳиндистон мадрасаларида, эски хужраларда таълим олган мутахассислар учун эшиклар тақа-тақ беркитилган. Уларнинг ҳеч бири расман қабул қилинмайди. Диний таълим борасида фаолият юритишлари қатъиян тақиқланган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

4. Хорижда илмий тадқиқот олиб борган олимлар, ўша ердан илмий унвон олган зиёлилар ҳеч қайси ўқув юртларига олинмайди.

5. Мавжуд тузумга танқидий муносабатини билдирган шахслар учун барча давлат идоралари эшиклар берк.

6. Миллий хавфсизлик хизмати ҳар бир жабҳани кучли назоратда тутиб туради.

7. Фикр эркинлиги ҳақида гапирилади, сўз эркинлиги сўзланади, лекин Ўзбекистон аҳолиси учун тақиқланган ахборот манбаларини санаб санаб етиб бўлмайди.

Қисқаси, бу рўйхатни узоқ давом эттирсабўлади. Одамлар ўртасидаги ишончсизлик, ўзаро тухматлар, ечилмай қолаётган жиноятлар, порахўрликлар, бутун тизим буйруқ ва унинг бажарилмаган ижросидан иборатлигини айтса, гап янада чўзилади. Аҳолининг оддий эҳтиёжларини кондириш борасида ҳам қўйилган тўсиқларни адади маълум эмас. Пойтахтда яшаш, пойтахтда ишлаш учун, кўплаб кадрлар ўз салоҳиятларини намойиш қилишлари учун арзимаган тўсиқларнинг куриб қўйилгани Каримов ва унинг режими кўзлаган – биз юқорида санаб кўрсатган мақсад учун хизмат қилади, холос.

Агар Каримов ва золим режим ўз халқидан кўркмаганида, талвасага тушмаганида одамлар оғзини ёпишга, танқидий фикрларни бўғишга, одамлар ўртасига нифоқ уруғини сепишга бунчалик зўр бермаган бўлар эди.

Агар Каримов қурган “давлат” иқтисодий жиҳатдан қашшоқ бўлмаганида одамлар ойликларини бир ой кечикиб олмаган бўлар эдилар. Минглаб бинолар харобага айлантирилиб, янги қурилаётганлари хароба ҳолига келмаган бўларди.

Агар Каримов йикқан одамлар дангаса, каллакесар, қароқчи бўлмаганида, фақатгина Каримов борадиган йўллар текисланиб, “обод” қилинмаган, бошқа жойлар ахлат ботмаган бўларди.

Агар Каримов халқини ўйлаганида муҳолиф фикрларни бўғмаган ва золимликнинг тарих кўрмаган услубларини ўйлаб топиб, жорий қилмаган бўларди.

Агар Каримов одамларни қўйимий қилиб қўймаганида,



ЎЗБЕКИСТОНДА
БЕГУНОҚ МУСУЛМОНЛАРНИ
ТУРМАДА ЧИРИТАЁТГАН
РАҲБАР
КИМ?

ЎЗБЕК ТАДБИРКОРЛАРИНИ
ТАЛАЁТГАН
СУҲОҚОЁҚ АЁЛ
КИМ?

Ўзбекистоннинг 30 миллион аҳолиси бу ҳақиқатларни кўрган ва ўз ҳақини талаб қилган бўларди.

Энди масаланинг иккинчи томонига ўтамыз.

Каримов режими учун матонат ва иймон билан курашаётган Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг мақсадлари тўғрисида – гарчи буни кўп бора гапирган бўлсак ҳам – яна бир бора сўзласак.

Ўзбекистон Халқ ҳаракати Ўзбекистонда сўз ва ишнинг бир бўлишини истади. Одамлар бир-биридан маховдан кўркқандек кўркиб юрмасин дейди. Одамлар эркин ва ўзи танлаган ҳаёт тарзида яшашини истади. ЎХХ ўзбек халқи ўзлигини танишини орзу қилади. Ўзбек миллатининг салоҳияти бор бўйи билан ўзини кўрсатишини хоҳлайди. Ўзбек миллати бир-бири учун қайғурадиган, қоринни эмас, иймон ва эътиқодни бирламчи ўринга қўядиган, самимий, садоқатли миллат бўлишини хоҳлайди. ЎХХ бу мақсадларини амалга ошириш учун яшайпти. Зотан, унинг чинакам мақсади – шу.

ЎХХ бунинг учун ўз ишлаш услубини шакллантирган. Конкрет лойиҳаларига эга. Ўз дастурини йилларки, жамоатчиликка етказмоқ ҳаракатида. Аммо Каримовнинг золим режими уни куч билан йўқ қилиш учун нимани эпласа, шуни қиляпти. Мамлакат ичкарисида ҳаракат аъзоларини топиб ўлдиришга зўр берган, сайтини кучли назоратга олган, ҳаракатнинг намоёнлари исмини ҳам тилга олишни тақиқлаган, бутун Республикага бу ҳаракатни террористик ташкилот деб эълон қилган. Чунки золим режим ўз

ажалини шу ҳаракатнинг қўлида кўради. Чунки кўрқоқ, хоин кишилар эмас, балки қатъиятли, ўз жонидан кечиб бўлса ҳам ҳақиқат қарор топмоғи учун курашадиган инсонлар золимларни доимо даҳшатга солади.

Бизнинг мақолаларимизни ўқиётган ўқувчилар ичида ҳақиқатни теран англаб турганлари бисёр, Алҳамдулиллаҳ. Лекин мақолани ўқир экан, ўқиганимни биров кўриб қолмасин, “айпи” орқали менинг шахсимни аниқлаб қўймасин деб талвасага тушаётганлари ҳам анчагина. Мақолани ўқидим, энди бошимни узадилар, шунинг учун бу мақолага қарши бирор гап ёзиб қўймасам бўлмайди деганларнинг адади ҳам кўп.

Миллий хавфсизлик хизмати ёллаган одамлар эса ҳаракат эълон қилаётган ҳар бир материални ўрганиш, таҳлил қилиш, муаллифларини аниқлашдан бир лаҳза ҳам тўхтамаяптилар. Агар бу муаллифлар мамлакат ичкарисида бўлса, топиб йўқ қилишга жидду жадд этмоқдалар. Хорижда бўлса, турли қиёфалардаги агентларини йўллаб, уларни аниқлаб ўлдириб юбориш планларини тузадилар.

Бугун Ўзбекистондаги одамлар кўрқув об-ҳавосидан маст бўлиб қолишган. Улар ўзларини кўринмас занжирлар билан тутиб турган золимни яхши ҳис этадилар, ундан қутулиш ўрнига, золимга ялтоқилик қилиб, ғурур ва орни сотиб жон сақлашни маъқул кўрадилар. Улар ҳеч қачон ҳақиқат қарор топишига ишонмайдилар. Улар ҳақиқатнинг борлигига ишонмайдилар, бинобарин ҳақиқатларни барпо қиладиган, ёлғонларни барбод қиладиган Оллоҳга ишонмайдилар.

Бир кун Каримов ва унинг золим режими ағдарилгач, унинг чирик ҳукуматидан урвоқ ҳам қолмаганида улар Халқ ҳаракатининг қаноти остига ўтадилар, ўшанда ҳам ҳақиқат учун, Ҳақ учун эмас, шу томонга ўтсак, тирик қоламиз деб ўйлаганлари учун шу ишни қиладилар.

Бу ҳаёт маҳорабадан иборат. Зулм ва адолат ўртасидаги маҳораба! Бугун зулмнинг қўли баландга ўхшаб кўринади. Аслида, зулмнинг қўли ҳамиша паст, адолат ва ҳақиқат кўзга кўринмас, эҳтимол, аммо у ҳамиша ғолиб. Фақат буни чинакам инсон ҳис этади, мард инсонгина ҳақиқат ва адолат учун бир лаҳза тинмасдан курашиб яшайди.

Абдуллоҳ Нусрат



Ўзбекистонда таҳорат олиш таъқиқланди

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Фарғонанинг Марғилон шаҳридаги бозорда “таҳорат” операцияси ўтказилган. Маълум бўлишича, тадбиркорлик масалалари билан боғлиқ вазиятни текширгани Тошкентдан келган комиссия Марғилоннинг «Барака Савдо» буюм бозорида савдогар ва харидорлар таҳорат қила олмаслиги учун бозор ҳудудидаги ҳожатхоналардан обдаста ва бошқа идишлар, ҳамда ҳожатхона ташқарисидаги курсиларни мусодара қилган. Озодлик манбаларига кўра, Тошкентлик комиссия шу кунларда Фарғонада ўтказилаётган Бизнес форум иштирокчиларидан иборат бўлган. Консерватив ҳисобланган Марғилон шаҳрида диндорларга нисбатан тазйиқлар тез-тез учрайди.

«Давлат кетимизга бурнини суқиши уят эмасми?!»

Марғилон шаҳрининг собиқ ипак комбинати ҳудудида жойлашган “Барака Савдо” буюм бозори ҳудудига ўтган ҳафта кутилмаганда комиссия бостириб келгани ҳақида бу бозорда савдо қиладиган тадбиркорлардан бири Озодликка хабар қилди. Шахси сир қолишини истаган савдогарнинг айтишича, комиссия вакиллари аввал тадбиркорларнинг ҳужжатларини текширган, уларнинг шароити билан қизиққан. Кейин эса, бозор ҳудудидаги ҳожатхоналарни текшириб, у ерда таҳорат учун шароит яратиб берилганига эътироз билдира бошлаган.

“Комиссия ҳожатхоналарни

ҳам босди. Таҳорат қилиш учун мўлжалланган курсичалар, обдаста ва чойнақларни мусодара қилишди. Таҳорат олиш тақиқлаб қўйилди. Бозор маъмурияти ҳозир жуда қаттиқ оляпти, яширини таҳорат қилгани ҳам рухсат йўқ. Бир ҳафтадан бери ҳожатдан кейин кетимизни юволмаймиз. Давлат энди кетимизни ювишимизга ҳам бурнини суқса, уят эмасми”, дейди марғилонлик савдогар.

Унинг яна айтишича, “таҳорат контроль” операцияси маҳаллий милиция ходимлари ёрдамида амлга оширилган. Ҳожатхона ичқарисидаги обдаста ва ташқарисидаги курсичаларни милиция ходимлари кўтариб олиб чиқиб кетди, дейди у.

Шунингдек, текширув гуруҳи бозор ҳудудида келгусида таҳорат қилиниши эҳтимолини янада камайтириш учун бозор маъмурияти



тарафидан ҳожатхонага ўрнатилган сув истиш ускуналарини олиб ташлашни буюрган.

“Таҳоратхонага иссиқ сув учун қўйилган аристонларни (Аристон фирмасига доир ускуна-таҳр.) ҳам олиб ташла дебди. Сенлар ўзларинг номоз ўқиш учун шароит яратиб берябсан, деб роса койишди бозорқўми. Ахир фақат номозхон таҳорат қилмайдику, ҳожатдан кейин у ёқ бу ёғингизни ювиб олиш оддий гигиенаку”, дейди савдогар.

«Бозоримизда таҳоратхона йўқ»

Барака Савдо” буюм бозори маъмурияти вакили ўтган ҳафта

савдогарлар патентларини текшириш учун Тошкентдан комиссия келганини тасдиқлади. Лекин “таҳорат” операцияси ҳақида гапиришни истамади.

“Ака, бизда ҳозир бозор ҳудудида ҳеч ким намоз ўқимайди. Таҳорат ҳам қилинмайди. Бозорда умуман диний либослар, рўмол ва ҳижоб, жойнамоз, диний адабиётлар сотилмайди. Таҳоратхоналар ҳам йўқ”, деди бозор маъмурияти вакили.

Марғилон шаҳар ҳокимлигидаги Озодлик манбаси “Барака Савдо” буюм бозорига ўтган ҳафта борган текширув гуруҳи шу кунларда Фарғонада ўтказилаётган Бизнес форум иштирокчиларидан иборат бўлганини айтади.

Улар нима сабабдан таҳоратхоналар билан қизиққани сабабини изоҳлай олмаслигини билдирди манба.


“Улар тадбиркорлар ҳужжатларини текшириши керак эди. Лекин Марғилон шаҳридаги ҳамма бозорда диний экстремиз ва радикализм ҳолатларига қарши ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилади. Радио орқали кийиниш маданияти, диний экстремиз бўйича эълонлар бериб борилади. Махсус бурчаклар ташкил этлган”, дейди шаҳар ҳокимлигидаги манба.

Марғилон шаҳри Фарғонадаги энг консерватив шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шаҳарда диндорларга нисбатан тазйиқлар, жумладан аёллардан рўмолини ечтириш операциялари тез-тез ўтказилиб туради.

УХХ хабарлар бўлими

2016 йилнинг 9 январь куни журналист ва ҳуқуқбон Малоҳат Эшонқулова ва “Альянс” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти етакчиси Е. Урлаева Ўзбекистон Республикаси Президенти номига, Вазирлар Маҳкамасига, Ички ишлар вазирига ҳамкорликда ёзилган аризаларини топширдилар.

Журналист ва ҳуқуқбонлар ўз талабномаларида Самарқанд вилоятидаги янги туғилган чақалоқларнинг оммавий тарзда айни бир хил ногиронлиги сабаблари юзасидан текшириш ишлари олиб борилишини



собик маҳбус Ўқтам Пардаев билан учрашдик, суҳбатлашдик. Интервью олиш жараёнида у бизга Ховаси қамоқхонасидаги ноинсоний қийноқлар хусусида сўзлаб берди. Биз Ховаси қамоқхонасида маҳкумларга нисбатан қаттиқ қийноқлар қўлланилаётганлигидан хабар топдик. Бу жиноят. Жиноят ҳақида хабар беришни ўзимизнинг фуқаролик бурчимиз деб биламиз. Сиз аризамиз қандай бўлса, шундай қабул қилинг, истасангиз жавоб беринг, хоҳласангиз, арзимизнинг мана шу қисмини очик қолдиринг”, деган эътироз ва талабларим ҳам инобатга олинмади.

Ички ишлар вазирлиги олдида пикет, Президент девони ва Вазирлар маҳкамасида қабул

ҳукуматнинг юқори идораларидан талаб қилишди. Шунингдек, уларнинг арзларида мажбурий меҳнатга оид мониторинг ўтказиш жараёнларида, ғўза чопиғи, пахта терими мавсумларида Тошкент вилоятининг Чиноз, Хоразм вилоятининг Хозарасп туманларида ИИБ ходимлари томонидан куч билан тортиб олиб қўйилган орг. техникаларини – фотовидеоаппаратларини қайтариб бериш талаби ҳам ўрин олган.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати Е. Урлаева, М. Эшонқулова, Ш. Рустамов, Ў. Пардаев каби ҳуқуқбонларнинг ҳорижга чиқиш ҳуқуқини қонунга зид равишда таъқиқлаган ҳолда, қатор йиллардан буён чиқиш визаси (ОВИР) бермай, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топтаб келмоқда.

Бунингдек қонунсизлик оқибатида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи чекланган ҳуқуқбонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Урлаева ва Эшонқулова ҳукуматнинг мартабали идораларидан юқорида номлари тилга олинган фуқароларга чиқиш визаси беришларини ҳам қатъий талаб қилишди.

Бироқ, Ички ишлар вазирлигининг хатлар бўлимида фуқароларнинг шикоят, аризаларини қабул қилишга масъул ходим Урлаева ва

Эшонқулова аризасида “Ховаси хибсхонасидаги маҳкумларга нисбатан қўлланилаётган қийноқлар тўхтатилсин” деган мазмунда киритилган талабларига эътироз билдираркан: “Сизда маҳкумларнинг номларидан гапириш ваколати йўқ, бундай ҳуқуқ сизларга лоақал нотариал идора орқали ҳам берилмаган. Шу сабаб сиз қийноққа солинаётгани айтилаётган маҳкумлар номидан ариза бераолмайсиз. Биз бу мазмундаги ноқонуний талаб битилган арзингизни қабул қила олмаймиз” дея аризани қабул қилиб олишдан қатъий бош тортди. Унинг сўзларига кўра, “Ховаси хибсхонасида қўлланилаётган қийноқлар хусусида маҳкумларнинг ўзларигина шикоят қилиш ҳуқуқига эга”.

— Вазирликнинг шикоятларини қабул қилиш бўлими ходими бизга аризамизни қайта ёзишни ва Ховаси хибсхонасидаги қийноқларга доир муаммони киритмаслигимизни талаб қилиб туриб олди. Мабодо, унинг талабини бажармасак, аризамизни қабул қилиб олмаслигини маълум қилди. Мен уларга “Содир этилган ва ё этилаётган жиноят хусусида хабар бермаслик ҳам жиноят саналади. Қонунда бунга жиноий жавобгарлик белгиланган. Биз куни кеча Ховаси хибсхонасидан чиққан

Шундан сўнг биз ноилож аризамизда Ховаси хибсхонасида қўлланилаётган қийноқларга оид муаммони бартараб этиш юзасидан киритган талабларимизни олиб ташлашга, аниқроғи, аризамизнинг энг пастки қисмидаги ўша муаммога доир қисмини қирқиб олиб ташлашга мажбур бўлдик. Бироқ шундай бўлса-да ўзга муаммоларни бартараф этишга оид талабларимизни топширишга муваффақ бўлганимизга суюндик. Мен аризамизни қабул қилишни истамаган — хибсхона муаммосига оид қирқиб ташланган варағини ўзим учун сақлаб қўйдим, — дейди М. Эшонқулова.:

— Бироқ, биз барибир Ички ишлар вазирлигидагиларни ғафлатда қолдирдик. Бизни ИИБ қабулига ташрифимизни ҳеч ким қутмагани. Биз қутилмаганда қабулга тўпланиб турган фуқаролар қаршисида пайдо бўлдик ва олдиндан тайёрлаб келган талабларимиз битилган плакатларимизни кўтариб Вазир қабулхонаси эшиги ёнида норозилик пикети ўтказишга муваффақ бўлдик.

Турли вилоятлардан ИИБ қабулига келганлар бизнинг талабномаларимиз битилган плакатдаги ёзувларни қизиқиб ўқишга тушишди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шу орада кимдир ИИБ ходимларига хабар беришга улгурибди. 5 дақиқа ичида қабулхона ИИБ, МХХ ходимлари босим кетди, — дейди “Альянс” етакчиси Е. Урлаева.

Дарҳақиқат, сонини санашга улгуриб бўлмайдиган МХХ ва ИИБ ходимлари кўз очиб юмгунча Эшонкулова ва Урлаевани халқдан ажратиб, куршаб олишди.

Улар орасида Тошкент шаҳар ИИБ бошқармаси терроризмга қарши кураш бўлими тезкор вакили (эҳтимол бошлиғидир?) Бахтиёр (Бахтик лақаби билан машхур ҳуқуқбонлар овчиси) Эгамбердиев (Бу исм-шариф унинг таҳаллуси ҳам бўлиши эҳтимоли ҳам бор) ва Фарход исмли ходимлар пайдо бўлди.

Бахтиёр Эгамбердиев одатига кўра “ўз хизмат вазифасини” адо қилишга тушиб кетди.

Б. Эгамбердиев Е. Урлаева сумкасида талаблар битилган плакатни оларкан, “Бундай қоғоз кўтарганларингизни иккинчи қайтиб кўрмай. Яна қилиқ кўрсатадиган бўлсанглар, кеча — 8 февраль куни осон ва тез қутилдинглар, соат 21.00 дан ўтиб-ўтмай Мирзо Улуғбек ИИБси сизларни уйлариңгизга қўйиб юборди. Бугун эса кечагидек бўлмайди. Кўраёпсиз, ҳавонинг захри баланд. Плакат кўтарганларингизда қўлга туширсам, тонггача ушлаб ўтираман. Кейин ўзингиздан кўринг, тушунарлими?” дея ҳуқуқбонларни ўктам овозда огоҳлантирди-да плакатни ўраб қўлдиғига урди.

Бу орада Фарход исмли махсус хизмат ходими Урлаева ва Эшонкуловани тасвирга тушириш — “кинога” олиш ишларини иштиёқ билан бошлаб юборди.

Хатто ҳуқуқбонлар аризаларини топшириш мақсадида қабулга кирган пайтида ҳам Фарход тасвирчилик касбини қўймади. Шу куни у Урлаева ва Эшонкулованинг шахсий операторига айланди-қўйди.

Ички ишлар вазирлиги қабулхонасидан чиққан Урлаева ва Эшонкулова президент девонига, Вазирлар Маҳкамасига аризаларини топшириш учун йўл олганларида ҳам махсус хизматларнинг Фарход исмли ходими ҳуқуқбонларга тасвирчи сифатида ҳамроҳлик қилди.

ЎХХ матбуот хизмати

Tafsilot.uz’дан ҳужжатлар рўйхаги билан танишиб, «вақтинча прописка» учун қоғозларни тайёрлаб, Мирзо Улуғбек тумани ИИБнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига бордим. Кўпчилик навбат кутиб турибди. 54-чи бўлиб ёзилдим.

«Вақтинчалик прописка» (ҳозирча) давлат идоралари хизматчилари учун холос

Унгача “стол услуг”га кириб, белгиланган ариза, уй эгаси номидан ариза ва манзил варақасини тўлдиртирдим. Бу хизмат учун 6000 сўм тўлайсиз. Бошқа ҳужжатлар ксеронусхаси учун алоҳида ҳақ тўланади. “Стол услуг” хизматчиси ишхонадан хат бор-йўқлигини сўради. Мана, деб бердим. Уни кўраркан, давлат идораси бўлса ўтади, хусусий фирмаларникини қабул қилишмаяпти, деди.

Тезда ишонч телефонларига кўнғирок қилдим. Гўшакни кўтарган хизматчидан «вақтинча прописка» ҳақиқатан ҳам фақат давлат идоралари/корхоналари хизматчилари учун қабул қилиняптими, хусусий ташкилотлар учун ҳали очилмадими, деб сўрадим. У буни тасдиқлади.

Нодавлат корхоналар учун ҳам тез орада очилади, ҳозир фақат давлат корхоналари ишчилари, талабалар, чет-эл фуқароларигина рўйхагга олинаётганини айтди.

«Вақтинчалик прописка» олиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинар экан:

1. ИИБ томонидан белгиланган намунадаги ариза (Буни «стол услуг»да тўлдириб беришади).

2. Уй эгаси номидан ариза (Буни «стол услуг»да тўлдириб беришади).

3. Манзил варақаси (Адресный листок прибытия) (Буни «стол услуг»да тўлдириб беришади).

4. Фуқаронинг паспорти ва паспорт нусхаси.

5. Казарма, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган хизматчилар учун Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлари офицерининг ёки шартнома бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси.

6. Болаларни рўйхатга қўйиш учун, агар улар 16 ёшга тўлмаган бўлишса, туғилганлик ҳақидаги

гувоҳномалари ҳамда 3,5 х 4,5 ҳажмдаги 2 дона фотосурат.

7. Уйнинг кадастр ҳужжатларининг нусхаси.

8. Уйга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси (олди-сотди ёки ҳаё шартномаси, Давлат ордери, мерос гувоҳномаси, ҳокимлик

қарори ва ҳоказо).

9. Уй эгасининг паспорт нусхаси.

10. Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

11. Нотариус томонидан тасдиқланган ижара шартномаси нусхаси.

12. Фуқаро яқин қариндошларини (ота-ота фарзандларини, фарзандлар ота-онасини, эр хотинини, хотин эрини) вақтинча рўйхатга қўйдираётган бўлса, яқин қариндошликни тасдиқловчи ҳужжатлар.

13. Давлат корхонасида ишловчи ижарага турувчининг ишхонасидан уни “вақтинча прописка”га қўйиш тўғрисида расмий илтимоснома.

Агар ҳужжатлар жойида бўлса, 2-3 кун ичида қайд варағини қўлингизга олишингиз мумкин экан.

PS. Аҳолисининг каттагина қисмини вилоятликлар ташкил этувчи Тошкент шаҳри учун «Вақтинчалик прописка» мавзуси долзарб масала. Бу ҳақда тўғри, аниқ ва ишончли маълумот бериш давр талаби. Ички ишлар вазирлигининг mvd.uz деган сайти бор. Нима учун шу сайтда бу ҳақда расмий хабар ва ҳужжатлар рўйхати ҳалигача эълон қилинмаган? Нима учун фуқаролар асл манба турганда бошқа сайт ва Facebook саҳифаларидан ёки “стол услуг”да ҳужжатлар рўйхати чоп этилган қоғозчани 200 сўмга сотиб олиб маълумот олиши керак? Текин ва ишончли маълумотни расмий сайтда берилса, ўша сайтнинг нуфузи ҳам ошади-ку ахир. Ариза намуналарини сайтда берилса ёки ягона интерактив давлат хизматлари порталида амалга оширса бўлади-ку!

Davronbek Tojialiyev
Facebook ижтимоий тармоғидан олинди



оидлиги ҳамда қотиллик буюртмачиси дея гумон қилинган ва ёнидан Ўзбекистонда берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси чиққан 30 яшар Собир Ёкубович Шукуров 35 яшар туркиялик Элдор Аслани ёллаган:

— У қотилликда гумонланаётган Собир Шукуров билан қотиллик юз берганидан уч ярим ой олдин танишганлигини айтди. Уларни Султон деган киши таништирган, деди суҳбатдош.

Туркиялик журналист Ҳамди Қўч ўғли тақдим қилган маълумотларга кўра, 2014 йилнинг 14 ноябри куни Собир Шукуров Анталияга учиб келиб, Элдор Аслан билан учрашган ва машина кира қилиб, биргаликда Анқарага келишган.

Собир Шукуровни бошқарган “Миша” ким?

Истанбулдаги терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимининг ўз тасарруфидagi маълумотларга таяниб Озодликка

БУХОРИЙНИ ЎЛДИРИШ УЧУН 200 МИНГ ДОЛЛАР БЕРГАН УМИД АМИНОВ ОБИД ҚОРИГА ЎҚ УЗГАН ЖУКОВСКИЙГА ҲАМ ПУЛ БЕРГАН ШАХСДИР

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Андижоннинг Шаҳрихон туманида туғилган ва Истанбулда Абдулло Бухорий номи билан танилган 39 яшар имом Мирзағолиб Ҳамидовни ўлдирган мухтамал қотиллар устидан бораётган маҳкамада янги тафсилот очикланди. Бу ҳақда мақола ёзган Туркиялик журналист тақдим қилган маълумотларга кўра, қотиллик ташкилотчиси дея кўрилган Собир Шукуровнинг севгилиси молдовалик Раиса Говани қотилга 200 минг доллар ўтказилганини маҳкама олдида эътироф қилган.

Истанбулнинг Бақирқўй туманидаги оғир жазо маҳкамасида давом этаётган суд жараёнида “Тигран Капланов” лақабли Умид Аминов қотилликларни пул билан таъминлаган ташкилотчи сифатида кўриб чиқилмоқда.

Бу маълумотни Бақирқўй маҳкамаси матбуот хизмати Озодликка тасдиқлади.

Туркиядаги нуфузли Yeni Şafak газетаси эса “Тепкини босганга 200 минг доллар берилди” деган гапни сарлавҳага чиқарди.

Мақола муаллифи Ҳамди Қўч ўғли суд-тергов материаллари

асосланиб, Швециядаги Обид Қорига қарши суиқасд иши кўрилган маҳкамада ҳам исми зикр қилинган “Тигран Капланов” лақабли Умид Аминов ўзбек диний ва дунёвий муҳолифати етакчиларига қарши бир нечта суиқасдлар ташкилотчиси эканлигини илдоа қилди.

Ҳамди Қўч ўғлининг айтишича, Истанбулнинг Зайтунбурни маҳалласида отиб ўлдирилган Абдулла Бухорийнинг қотили Элдор Аслонга Ўзбекистон МХХси зобити дея гумон қилинган Собир Шукуров тарафидан 200 минг доллар тўланган.

— Жиноятдан бир ой аввалроқ Анталияда Собир Шукуров муллага ўқ узган Элдор Аслон билан 200 минг долларга келишган. Суиқасд ташкилотчиси «Тигран Капланов» лақабли Умид Аминов қотилнинг севгилиси ҳисоб рақамига 200 минг долларни бир нечага бўлиб жўнатгани тафсилотлари ва исботлари маҳкамада ўртага чиқди, дейди журналист.

Ҳамди Қўч ўғли илдоосига кўра, ўтган йили суиқасдни уюштириш учун 20 кишилик гуруҳ Россия ва Украинадан Туркияга келган.

Суҳбатдошга кўра, бу гуруҳга

айтишича, Собир Шукуров Туркияда эканлигида Viber тармоғи воситасида доимо “Миша” исми киши тарафидан бошқарилиб турилган:

— Буни бизга Элдор айтди. Унинг айтишича Собир Шукуров Анқарада эканлигида “Миша” берган бир нечта манзилга боришган. Собир “Миша” фармойишларини Viber тармоғи воситасида олиб турган. Собир ва Элдор сирли бошқарувчи истагига кўра Анқарадан Анталияга қайтишган. Тўрт кун Анталияда бўлгач, Истанбулга бориш буйруғи келган. Уларнинг ёнларида Қурбон деган шахс ҳам бўлган, аммо у Қозоғистонга қайтиб кетган. Машинадаги GPS ускунасидаги билгилар Элдор ифодасини тасдиқлади. Улар Истанбулнинг Тузла мавзесида ўзбекистонлик сиёсатчи (Муҳаммад Солиҳ назарда тутилмоқда) яшайдиган вилла атрофига бир неча марта боришган. Вилладаги назорат камераси ҳам уларнинг ташрифини қайд қилган, дейди суҳбатдош.

Туркиялик журналист Ҳамди Қўч ўғли тақдим қилган маълумотларга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кўра, Собир Шукуров ва Элдор Аслан уч маротаба Муҳаммад Солиҳ яшайдиган вилла олдига борган.

Машинадаги GPS ускунасидаги билгиларга кўра, Собир Шукуров ва Элдор Аслан ўзбекистонлик имом Мирзағолиб Ҳамидов фаолият юритадиган Истанбулнинг Зайтунбурни мавзесида жойлашган мадрасани ҳам бориб кўришган.

Истанбулдаги терроризмга қарши кураш бошқармаси ходими кўра, Элдор Аслан ва Собир Шукуров видеокамераларга чап бериш учун пасткам йўллардан юришган:

— Элдорнинг айтишича, улар 8 кун давомида Истанбулда кузатиш ишларини олиб боришган. Собир Шукуров шаҳарнинг Тузла маҳалласида Солиҳ яшайдиган виллани бир неча марта суратга олган. 2014 йилнинг 8 декабрь

куни Собир Шукуров тўқ рангли сумкага устида грузин тилида ёзувлар ёзилган қора рангли пистолетни солиб, уни 27 ёшли чечен миллатига мансуб Украина фуқароси Зелимхон Махтиевга берган. Улар ўз орасида Махтиевни “Мага” деб аташган. Бу воқеадан бир кун олдин Собир Шукуров “Миша” билан гаплашган.

Шукуровнинг Миша билан суҳбатда “Бу ишни “Мага” бажаради» деганини Элдор эшитган.

Элдор Асланнинг терговда берган кўрсатмаларидан иқтибос келтирган зобитга кўра, Собир Шукуров “Миша” деган сирли бошқарувчи фармойишига кўра, Истанбулда истикомат қилувчи ўзбек имом Мирзағолиб Латифович Ҳамидовга суиқасдни ташкиллаштирган.

Истанбулдаги терроризмга қарши кураш бошқармасининг гумон қилишича, Собир

Шукуров Ўзбекистон хавфсизлик тизимларида ишлаган бўлиши мумкин. Собир Шукуров Ўзбекистон фуқароси Ҳамидовнинг ўлдирилишини ташкил қилганликда айбланмоқда.

Андижоннинг Шаҳрихон туманида туғилган 39 яшар имом Мирзағолиб Латифович Ҳамидов 2014 йил охирида Истанбулда отиб ўлдирилган эди.

Истанбулдаги терроризмга қарши кураш бошқармаси зобити олдинги суҳбатимизда «Қотиллик излари Ўзбекистон ва Россияга олиб бормоқда», дея таъкидлаган эди. Лекин суҳбатдошимиз Ўзбекистон ва Россияга айнан қайси доиралар қотилликни буюрганини аниқлаштирмаган эди.

Андижоннинг Шаҳрихон туманида туғилган 39 яшар имом Мирзағолиб Латифович Ҳамидов 2014 йил охирида Истанбулда отиб кетилганди.

Манба: Озодлик радиоси

Ўзбекистон ҳукумати ҳам баъзан ақлли қарор олиши мумкин экан...

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон болалар овқатларида генетик модификацияланган, яъни ген хужайралари ўзгартирилган ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларини ишлатишни тақиқлашни режалаштирмоқда.

Бу борада “Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунга кўшимча киритилиши кутилаяпти.

Шунингдек, ген хужайралари ўзгартирилган ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни Ўзбекистонга олиб кириш ва тарқатиш ҳам тақиқланиши режаланган.

Генетик модификацияланган соя, маккажўхори ва шу каби бошқа ўсимликлар биринчи марта 1996 йилда АҚШда тижорат мақсадларида ўстирилганидан бери улардан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиниб келмоқда.

Генетик модификацияланган ўсимликлар хавфсизлиги аксарият давлатларда биохавфсизлик учун масъул бўлган идоралар томонидан назорат қилинади. Айрим мутахассислар, генетик модификацияланган ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарарли эканини таъкидлаб келадилар.

ЎХХ ахборот бўлими

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон ҳукумати “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга ўзгариш киритиб, мамлакатга хориждан бораётган курьерлик жўнатмаларини куч-ишлатар тузилмалари тезкор-қидирув бўлинмалари ходимларининг текширишига рухсат бермоқчи.

Маҳаллий матбуотда эълон

Бундан буюғига ИИВ ва МХХ курьерлик жўнатмаларини тўла назорат қилади

қилинган қарорга кўра, ҳозирда бу каби ўзгартишлар ҳақидаги қонун лойиҳаси тасдиқланган. Айти пайтда амалда бўлган “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги 2012 йилги қонунга биноан тезкор-қидирув фаолияти доирасида фақат почта жўнатмаларини текширишга рухсат берилган.

Аммо, расмий маълумотларда шу кунда мамлакатга хориждан кираётган жўнатмаларнинг 85 фоизини жисмоний шахслар ёки хусусий ширкатларга тегишли бўлган курьерлик жўнатмалари такшил қилаётгани айтилмоқда. Почта жўнатмаларининг ҳажми эса йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Жумладан, Sputniknews-uz.com сайти Ўзбекистон Бош прокуратурасидан: “Киритилиши керак бўлган ўзгартиришлар, интернет орқали фаолият юритаётган жиноий гуруҳлар фаолиятини олдини олишга ёрдам бериши керак”, деган иқтибосни келтирди. Бундан ташқари, сўнгги

бир йил ичида Ўзбекистон ИИВси мамлакатга хориждан юборилган 50 мингдан ортиқ экстремистик материалларни чегарада ушлаб қолгани қайд этилган.

Шу тариқа, Ўзбекистон ҳукумати навбатдаги қарори билан куч ишлатар тузилмалари оператив-қидирув бўлинмаларига курьерлик жўнатмаларини текшириш ҳаққини бериш орқали бир тарафдан экстремистик материалларни тўхтатиб қолишни кўзлаётгани, иккинчи тарафдан йилдан-йилга ҳажми ошиб бораётган Интернет орқали ноқонуний савдо оқимини назорат қилиш ниятини таъкидламоқда.

Хабарларда айтилишича, ҳозир Ўзбекистонда 30 та почта-курьер хизматлари кўрсатувчи ширкатлар рўйхатдан ўтган ва бу ширкатлар орқали мамлакатга кириб келган товарлар ҳажми сўнгги бир йил ичида 20 — 50 миллион АҚШ долларини ташкил қилмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими



Ислом Каримов резиденцияси олдидаги пикет хибсга олиш билан якун топди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида кўзда тутилган сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда 2016 йилнинг 8 февраль куни Президент резиденцияси олдида пикет ўтказишга бел боғлаган “Альянс” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти етакчиси Елена

га қадар ушлаб ўтирилдик.

Илёс Мустафоев — Мирзо Улуғбек туман ИИБ Терроризимга қарши кураш бўлими бошлиғи. Ҳуқуқбон Е. Урлаеванинг квартирасида ҳуқуқ ҳимоячисини ўз уйида уй қамоғида асрга олиб, ялпайиб ўтирибди. Сурат Урлаеванинг уйида 2015 йилнинг 14

жиноятчилар каби турғазган куйи тўғридан, ўнгдан, чапдан суратга олдиртирди.

Менинг “Кечириб қўясиз, бу куёшдан сақланиш учун мосланган кўзойнак эмас, бу кўриш қобилияти султалашган шахсларга мўлжалланган кўзойнак. Бундай кўзайнак тақиб ИИБга

Урлаева ва мен, мустақил журналист ва ҳуқуқбон Малоҳат Эшонкулованинг уринишлари одатдагидек хибсга олиш билан якун топганди.

Камина, М. Эшонкулова ва Е. Урлаева ҳамкорлигида Ўзбекистон Президентининг “Кўк сарой” қароргоҳи олдида Самарқанд вилоятида авж олган гўдаклар ногиронлиги юзасидан



кириш милисини масҳаралаш хисобланишини, бу қонунда таъқиқланишини билмасканман. Менга унақанги дағдаға қилманг, мен сизга сажда қиладиган жиноятчи эмасман. Ахлоқ нормасида муомала қилсангиз бўларди” деган эътирозимга “Бунақангиталабингизни Чилонзорда қиласиз! Буер сизга Чилонзор эмас, Мирзо Улуғбек тумани! Эркалигингиз бизга

суриштирув ишлари олиб боришларини, шунингдек, пахта мавсумида мажбурий меҳнатга оид мониторинг олиб бориш жараёнида махсус хизмат ходимлари томонидан ноқонуний тарзда куч билан тортиб олинган орг.техникаларини, фотовидеоаппаратларини қайтариб беришларини сўраб, ҳамда ҳорижга чиқиш визаси беришларини, Ховас қамоқхонасида маҳбусларга қўлланилаётган қийноқларга чек қўйишларини талаб қилиб пикет ўтказишни режалаштирилган эди.

Ислом Каримов қароргоҳининг биқинида жойлашган Елена Урлаеванинг уйида менинг ва Е. Урлаеванинг қўлимиздаги талабларимиз битилган плакатлари билан биргаликда махсус хизмат ходимлари томонидан қўлга олинди ва Мирзо Улуғбек туман ички ишлар бўлимига куч билан олиб келтирилдик.

8 февраль куни Урлаева ва мен, Эшонкулова М. Улуғбек ИИБ терроризимга қарши кураш бўлими бошлиғи Илёс Мустафоев бошлиқ ходимлар томонидан ассосиз ва ноқонуний тарзда тунги соат 21.00

октябрь куни ҳуқуқбон томонидан тезкор суратда олинган.

2015 йилнинг 14 октябрь куни Е. Урлаева томонидан унинг ўз уйида расмга олинган, уни уй қамоғида ушлаб турган М. Улуғбек туман ИИБ терроризимга қарши кураш бўлими бошлиғининг ялпайиб ўтирган ушбу сурати Илёс Мустафоевга қимматга тушган.

Шу боис, 2016 йилнинг 8 февраль куни мен ва Урлаеванинг ИИБ биносига куч билан келтирилишимизни Мустафоев қасос олиш, юқоридаги сурат аламини сочиш учун энг қулай фурсати деб билди.

Илёс Мустафоев ишни хизмат хонасига киритилган ҳуқуқбонларига дағдаға қилишдан, ҳақоратлашдан бошлади: “Сенларга пикет ўйинчоқ бўлиб қолдимиз? Кўрсатиб қўяман сенларга милиса билан ўйнашишни. Олинг кўзингиздан кўзойнагингизни!!! Бу милисахона. Гўзаллик салони, ёки олифталар макони эмас, тўғри турларинг!” деб ўқирганча, биз — ҳуқуқбонларни тўлиқ таъмирдан чикмаган хизмат хонасининг зебра каби чала оқланган деворига

ўтмайди, Чилонзор кўтарди тантиклигингизни! Сизга тўғри тур дейилдими, кўздан кўзойнакни олиб тик турасиз. Тамом! — деди кўзлари хонасидан чиққудек бўлиб.

Мустафоевнинг бунингдек дағдағалари, ариллашлари тунги соат 21.00 га қадар давом этди.

Шахсан мени ҳайратга солган нарса Мустафоевнинг маънавиятсизлиги бўлди. Кутишлардан зерикиб ўтиргандик ҳаёлимни Мустафоевнинг навбатдаги ўқириши тўзғитиб юборди. Аввалига, бу дағдаға ҳам бизга қаратилганмикин деб хушёр тортгандим. Хаёлларимни йиғиштириб, эътибор берсам, Мустафоев қўл остидаги ходимлардан бирини эшик олдига тик қилиб бизнинг ва яна уч милиция ходимининг гувоҳлигида бўралатиб сўкарди. Илёс Мустафоев ёшгина ходимни “Онангни... фалон қилай сени!” ҳам деди. Йигит кишини “Қанжиқ” ҳам деди. “Долбоёб” ҳам деди. “Сука”ям деди... “Тварь” ҳам деди. Ишқилиб, айтмаган ҳақоратомуз

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

сўзи қолмади. Ходим бечора ҳамкасблари ва биздан уялганидан шолғомдек тус олиб хонадан чиқиб кетиб-кутилди.

— Муаммо нимада? Тушунмадим. У йигит қандай гуноҳ қилиб қўйди? — ҳеч бир ходим жавоб беришни лозим топмаган бу сўровимга орадан 5 дақиқа ўтар-ўтмас беихтиёр Мустафоевнинг ўзидан аниқ-тиниқ жавоб эшитдим. У қўл остидаги бошқа бир йигитга қараб: “Қани, қаерга даф бўлди у мараб? Бор, чакир у “долбоёб”ни! Келсин, келиб, хўшлаб қўйган чойини охиригача ичиб қўйсин энди хароми! Чакир дедим сенга! — дея оғзидан боди кириб, шоди чиқиб зарда қила кетди, — У қанжиқ ит бўлмаса менинг совутиб қўйган чойимни сўрамасдан хўплайдими? Ҳаҳ, “тупой”-эй!!

Қай бир ўзини хурмат қиладиган, маънавиятли, тарбияси тугал эр киши аёллар гувоҳлигида оғзига шунингдек ахлоқсиз гапларни олади?! Бу билан гуёки Мустафоев жаноблари бизларни ерга урган, менсимаган, “Сенларнинг тенглари шундай ҳақоратларни эшитиш” дея камситгандек бўлди гуё. Аммо шу билан бирга у ўзининг маънавий қиёфасини намоён қилди.

Демакки, Илёс Мустафоев учун ўз сиёсий фаоллигимизни норозилик пикетлари орқали изҳор қилиш истагидаги биз ҳам “сука”, хадди сиғибми, ва ё унинг хуришини билиб-билмайми, И. Мустафоевнинг совутиш илинжида пиёлага қуйиб қўйган чойини бир хўшлаб қўйган қўл остидаги ходими ҳам “Долбоёб”.

Мана, сизга Ўзбекистон Ички ишлар тизимида масъул лавозимда ўтирган ходимларнинг маънавий қиёфаси. ИИБ идораларидаги бунингдек оғзи шалтоқ, маънавиятсиз, тубан кимсаларнинг кўчадаги жиноятчидан, ҳуқуқбузардан, ўғри-муттаҳамдан қандай афзаллик жиҳати бор?

Фикру ожизимча, Мустафоев кабилар терроризмнинг олдини олмайдилар, аксинча, бунингдек ахлоқсиз бадфезлиги билан мамлакатда терроризм оловини ёқадилар, ашаддий жиноятчиларни “тарбиялаб чиқарадилар”, жиноятчиликни урчишига ҳисса қўшадилар....

Малоҳат Эшонқул
Мустақил журналист, ҳуқуқ фаоли

Рассом Омон Азиз: Нодонлардан қочиб Америкага келгандим

Ўзбекистонлик таниқли қандакор рассом 74 яшар Омон Азиз Озодликка илк бора суҳбат берди. Рассом 23 йилдан бери АҚШда истиқомат қилади. Ўзбекистонда сиёсий таъқибга учраган рассом 1993 йил мамлакатни тарк этиб АҚШни истиқоматгоҳ сифатида танлади.

СССР даврида Омон Азизовнинг Тошкентдаги устахонаси Рауф Парфи, Мухаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби диссидент шоирлар учун мунозара клуби вазифасини ўтаган эди.

Расомнинг ўзи эса антисовет ғоялар тарғиботчиси сифатида КГБ (Давлат Хавфсизлик Қўмитаси) қора рўйхатида эди.

1991 йилда Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин ҳам Омон Азиз рушнолик кўрмади.

Рассом АҚШга келишидан олдин олти йил давомиде Ўзбекистонда “исталмаган шахс” мақомида яшади. Уни ишга олишмади, асарлари кўрғазмага қўйилмади, буюртмалар бекор қилинди.

“Мен нодонлардан қочиб Америкага келдим, аммо нодонлар мендан ҳам олдин Америкага келиб олишган экан. Бу ердаги ўзбек жамоаси мени қўллаб-қувватламади”, дейди Озодлик билан суҳбатда Совет Иттифоқи рассомлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда мисга тасвир ишлаш бўйича новатор ғоялар соҳиби Омон Азиз.

Ўтган 23 йил мобайнида рассом ўз ҳамюртлари билан алоқани узган ҳолда танҳо яшади.

Тирикчилигини Нью-Йорк Марказий истироҳат боғида потрет чизиб ўтказадиган рассом Омон Азиз яқинда смартфон сотиб олиб, Facebook ижтимоий тармоғига улангач, ўзининг эски дўстлари билан алоқани тиклади.

— Мен замонавий технологиядан узоқ одамман. 23 йил танҳо, аммо Оллоҳ зикри билан яшадим. Яқинда смартфон олиб бир вақтлар ҳамфикр бўлган дўстларим билан робитани тикладим. Шоир ва сиёсатчи дўстим Мухаммад Солиҳ билан суҳбатлашдим. У АҚШга келиб мени қидириб топа олмай кетган экан. Ниҳоят телефонда гаплашдим, — дейди Омон Азиз.

Мухолифат арбоби ва шоир Мухаммад Солиҳ ўзининг эски қадрдони Омон Азиз ҳақида илқ гапларни айтади.

— Омон Азизни Facebookда топдим ва узоқ гаплашдим. Омон Азиз эски қадрдоним. Етмишинчи йиллар бошида бизнинг тўпланадиган жойимиз қандакор

Омон Азизнинг Чилонзордаги ертўласи эди. Бу устахонада Омон Азиз билан Собиржон, деган ҳайкалтарош йигит ишларди. Давра унча кенг эмасди, гурунглари доим рассом Исфандиёр, доим раҳматли Шухрат Абдурашид, доим олим Бегжон Тошмуҳаммад, албатта Рауф Парфи, баъзан бошқалар ҳозир эдилар. Бир куни фожеа юз берди ва Собиржон ертўлада ўзини осиб қўйди, Оллоҳ раҳмат қилсин. Бу воқеадан сўнг Омон Азиз Руставелли кўчасидан бошқа ертўла топди ва мажлисимиз ўша ерга кўчди.

Омон Азизнинг ертўласида суҳбат, асосан, адабиёт ва санъат ҳақида, яъни, бизнинг ҳаётимиз атрофида қурилди. Уша пайтда тақиқланган диссидентларнинг китобларини ўқир эдик. Болтиқбўйидан ижодкорлар ҳам келса Омон Азизнинг устахонасига келар эди, - деб эслайди Мухаммад Солиҳ.

Омон Азизнинг устахонасида бастакор Анор ёки биолог олим академик Бегжон Тошмуҳаммадни ҳам учратиш мумкин эди.

Озодлик билан суҳбатда академик Бегжон Тошмуҳаммад ўз дўсти Омон Азизни соғинганини айтади:

— Омон Азиз келсин энди Ўзбекистонга! Роса соғиндик уни. Омон Азиз улкан рассом ва энг муҳими, доимо ўз мустақил фикрига эга шахсдир. Ҳозир ҳам шундай. Омон Азиз рассомлар қурултойида кўрқмасдан раҳбарларни ва ўша пайт тузумини танқид қилгани учун тазйиққа учради. Шундай дўстим борлигидан фаҳрланаман, — дейди академик.

Рассом Омон Азиз ҳақидаги лавҳа Озодликнинг “Туркистон рассомлари” рукнида эълон қилинади.

Бу рукн қахрамонларига берган саволимизни у кишига ҳам бердик: «Бугунги Ўзбекистон тасвирини қандай чизган бўлардингиз?»

— Бугунги Ўзбекистон расмини чиза олмайман. Мен мозий ошигиман. Тошкентдаги устахонам эшигига ёзилган ёзув кўп нарсани англатади. Алишер Навоийга оид бу мисралар менга ҳамроҳ. «Парвонани ишқ айламаса маст, урғайму ўзини ўтқа пайваст». Мен нур ошиғи бўлдим ва шу боис, қийинчилик кўрдим. Мен ўз ҳасратимни Муқимий дарди билан уйқаш эканини кўраман. “Мулки Ҳинду диёридин келсан топардим эътибор. Шул эрур айбим Муқимий мардумий Фарғонаман.

Манба: «Озодлик» радиоси

Уч реал ҳикоя

Тешанинг ҳикояси

“Салом, исмим Теша. Ёшим йигирма тўртда.

Ўзим Бухоронинг Гиждувон деган туманиданман. Гиждувон Ўзбекистоннинг Хитойи. Чунки бу ерда одамлар жуда ишбилармон. Лекин мен ношуд чиқдим.

Ўқишга кириш учун Тошкент Ислом университетиغا 2007 йил ҳужжатимни топширдим. Кира олмадим. Билимим етмади. Ўзим Бухорода бундан ўн йиллар олдин фаолият юритган турк лицейида ўқиганман. Зўр эди-да у лицей! Анча олди ўқувчи эдим, назаримда.

Ислом университетиغا кира олмасам-да, маҳалламизда,

Курилишда ишладим. Курилишда ишлаб қаттиқ касал бўлдим. Биз ўттиз киши баракда яшар эдик. Бу ерда бир компьютер (ноутбук) йўқолди ва мени ўғрилиқда айблашди. Иложим йўқ эди – йиққан пулимни тўладим.

У ердан бир катта фирмага ишга бордим – қиладиган ишим сомса тугиш эди. Биласиз, Россияда пропискаси йўқларни, четдан келган ишчиларни тутса, депорт қилишади. Бутун бошли овқат тайёрлаш



ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИНГ «ПОРЛОҚ» КЕЛАЖАГИ

синфдошларим орасида талаба бўлдим деб гап тарқатдим. Талаба бўлганимни исботлаш учун Ислом университетидаги “Зиё” студияси кўрсатувида чиқишга анча уриниб кўрдим, ўхшамади.

Кейин бир йил Тошкентда юрдим. Ота-онамдан пул олиб репититорга бордим. Аммо қойиллатиб ўқимадим. Иккинчи йил ҳам талаба бўлиш насиб қилмади.

Бошқа ўртоқларим талаба бўлишди. Учинчи йили эса Тошкент шарқшунослик институтига ҳужжатларимни олиб бордим. Бу ерга ҳам кира олмадим.

Гиждувонда ошхонамиз бор эди. Қайтдим. Ошхона ишларига зўр бердим. Ўртада Бухоро университетиغا ҳам киришга уриндим. Эплотмадим. Ошхонада ишларимиз яхши бўлди ва иккинчисини ҳам очдик. Лекин президентимиз Ўзбекистонда бойлар бўлиши мумкин эмас деган эканлар. Шунинг учун бизни бойиб кетяпти деб ўйлашди ва катта текширув келди, катта суммада жарима солишди, ошхоналаримиз мусодара қилинди. Бизнесимизни кредит олиб бошлаган эдик, кредитларимизни тўлаш керак эди, қарзга ботдик. Қарздан қутулиш учун ҳовлимизни сотдик ва итнинг кетдай жойга кўчиб ўтдик.

Мен эса Россияга ишга кетдим. Россияда хору сарсон бўлдим. Мени танишларим ошхонада овқат пиширасан деб опкетганди. Қаёқда! Парникда бодринг эдик. Умримда деҳқончилик қилмаган эдим, бу ердан кетдим. Москвада танишларимни топдим. Улар менга қурилишдан иш топиб беришди.

фирмасида ҳамма Ўрта Осиёдан келган эди, биров қозоқ, биров тожик, биров ўзбек... Биз ҳар-ҳар замонда текширувчилар келса, қандай қилиб қочиб кетишни репетиция қилиб турардик. Бир сафар репетициядан беҳабар катта холодильникда камалиб қолиб кетибман. Чунки шунака катта холодильникларни ичига кириб ювиб ҳам турардим. Бу ердан топган пулларимни қўлдан келгунча уйга юборардим. Аммо бу ерда ойликни уч ойдан кейин тўлашарди. Шуниси қийин эди. Тўққиз ой ишладим ҳаммаси бўлиб Россияда. Қаттиқ чарчадим. Уйимни соғиндим. Бу ерда бир тожик опа билан яқин бўлиб қолган эдим. Ундан ойлигимни олгач, вестерн юнионда юборишларини илтимос қилдим. Кўнди. Уйга қайтдим.

Гиждувонда иш йўқ экан. Ота-онамга ўқишга кираман дедим-да Тошкентга келдим. Бир йилдан ошдики, Тошкентдаман. Кафеларда, ошхона ва ресторанларда официант, ошпаз бўлиб ишлаб юрибман. Шашлик, ош қиламан, сомса тугаман. Кунига йигирма минг, ўттиз минг пул оламан. Аммо бу пулим ижарада турган уйимнинг пулини тўлашга етмайди. Ўқишга кириш учун репититорга боришим керак, унга берадиган пулим йўқ. Ота-онамдан пул сўролмаيمان, чунки уларнинг ўзи танг аҳволда. Энди университетга кириш фикридан кечдим. Кореяга кетмоқчиман. Шунинг учун корейс тилини бир бало қилиб ўрганиб олмасам бўлмайди...

Биз ҳам балоғатга етиб қолдик.

Уйлангим келади. Намоз ўқиб турар эдим. Ҳар куни ишга эрта кетиб, кечкурун ярим кеча қайтаман. Намозларимни ҳам ўқий олмаяпман. Лекин Худодан кўрқаман, фоҳишаларга бормаганман. Уйланай десам, пул йўқ. Уйландим ҳам дейлик, хотинимни қандай боқаман? Иш йўқ-ку! Қаерда яшайман?

Шунинг учун Жанубий Кореяга кетмоқчиман. Пул тўплаб келсам, кейин уйланарман...”

Болтанинг ҳикояси

“Менинг отим – Болта. Ёшим йигирма еттида. Ўзим Ургутданман. Отам бешикчи. Мен эса олим бўлишни истайман.

Тошкент текстиль институтини битирдим. Олий маълумотлиман. Лекин тўқимачилик соҳасида иш тополмаяпман. Тошкентда яшаш қийинлашиб кетяпти. Илгари ота-онадан пул олиб турардим. Энди юз чидамайди. Ургутга қайтсам, бешикчи бўлишим керак. Ёки бу йил магистратурага кириб олим бўлишим керак. Магистратурага кириш учун тўрт минг доллар пора бериш лозим. Бунча пулни қаердан оламан?

Самарқандда тўқимачилик соҳасида иш топиб бўлмайди. Шунинг учун боя айтган икки йўлдан бирини танлашим керак...

Ҳозир ишим ҳам Тошкентда эмас. Янгийўлда. Ўша ерда пахта заводи бор, пахтани ишга айлантиради. Ўша ерда ишлайман. Ойлиги беш юз минг. Квартирада яшайман у ерда, ойига икки юз

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

минг тўлайман. Турар-жойим – омборхона! Кунжара солинган қоплар ёнида! Лекин барибир пул тўлайман...

Эртага нима бўлади, билмайман. Шунча олий маълумот олиб, ўз соҳамда ишломаслигимдан аламданман. Шунча йил Тошкентда ўқиб, қишлоққа бориб шарманда бўлиб бешикчилик қилиш ундан ёмон! Бешикчилик шарманд иш эмас, аммо шунча йил Тошкентда умр ўтказмай мактабни битириб бешикчи бўлсам, осмон узилиб тушармиди? Одамлар ўла, барибир бешикчи бўларкансан демайди?...

Ўрокнинг ҳикояси

“Исмим – Ўроқ. Ёшим ўн тўққизда. Сурхондан келганман Тошкентга. Коллежни битириб университетга кирмоқчи эдим.

Мен бу воқеани ёзишга бир-неча марта жазм қилдим. Лекин ҳар гал ўғлим билан бўлиб ўтган воқеа кўз олдимда гавдаланар экан, ҳар сафар юрагимга пичоқ санчгандай бўлар эди. Шу йўсинда анчагача ўзимга келолмадим. Шу учун бу ҳақда ёзишим анча-мунча вақтга кечикди.

13.02.16 й. куни соат 17 яримларда ўғлим дўсти Ислон Иминов билан магазинга нон олгани чиқишади. Дўсти магазинга кириб кетгач ташқарида қолган ўғлимнинг олдиға фуқаро кийимидаги иккита нотаниш одам келиб унинг қўлларини орқаға қайириб кишан солишга ҳаракат қилишади. Дабдурустан бўлаётган бундай ҳаракатдан ҳайрон бўлган ўғлим уларнинг кимлигини ва нима гаплигини сўраб қаршилиқ кўрсатади, улар ҳеч қандай тушинтириш бермасдан зўравонликда давом этишади. Ўғлим қаршилиқ кўрсатади, шунда улар учинчи зўравонни ҳам ёрдамға чақирашади. Ташқаридаги бақир-чақирға магазиндаги Ислон ўғлимға ёрдамға келади, лекин уни аралаштиришмайди. Энди зўравонлар ёрдамға ўзларидан унча узоқ бўлмаган шаҳар ва вилоят ораллиғида жойлашган пост ГАИдан автомат билан қуролланган иккита ДАН ходимини ёрдамға чақиради. Улар келиб ўғлимға автоматларини ўқталиб туришади учта зўравонларнинг иккитаси ўғлимнинг қўлларини орқаға

Киролмадим. Билимим камлик қилди. Бугун Бекбарақада, Иппадромда арава тортиб юрибман. Шу ерда арзон квартирада саккиз қишлоқдош бирға яшаймиз. Икки хонали квартира. Иркит. Ҳожатхонаси расво. Тўрт киши бир хонада тикилиб ётамиз.

Ўзи бу ерда репититорға боришим керак. Аммо вақт қайда! Арава тортмасам, яшолмайман! Уйға қайтай десам, иш йўқ. Иш бор – деҳқончилик. Одам бу ишдан эзилиб кетади. Умуман ишингда барақа бўлмайди, доимо тушуми кам... Баҳор келяпти, ҳали репититорға бориб бир бало ўрганмадим. Билмайман, бу йил нима қиламан... Ота-онамнинг қўли калта, ўқишға кирсам ҳам қандай ўқитади... Билмайман...”

Мана, уч ҳикояни ўқидингиз

Биласизми, Ўзбекистонда минглаб теша, минглаб болта,

минглаб ўроқлар бор. Ҳар йили атиги 55 мингға яқин йигит-қиз талаба бўлади. Қолганлари кўчада ишсиз. Уларнинг тақдири Сиз ўқиганингиз – уч ҳикоя қаҳрамонининг тақдиридан умуман фарқ қилмайди.

Каримов эса ўзбек ёшларининг “порлоқ” келажигидан гапирди. Ёшлигини хорлик ва сарсонгарчиликда ўтказётган ўзбек ёшлари эртаға ўзбек халқини ташкил қилади. Бу “халқ”нинг савбияси, у дунёға келтирадиган авлоднинг аҳволи нима бўлади? Ахир, Ўзбекистон Каримовға қул бўлиб улғаяётган бир ҳовуч олифта ёшлардан иборат эмас-ку! Масала ҳақида чуқурроқ ўйласангиз, муаммонинг моҳиятини кўраверасиз... Халқнинг асл аҳволи қандайлиги ҳақида тафаккур қилиш ва мавжуд ҳолатни, албатта, ўзгартириш лозим...

Абдуллох Нусрат

**Ҳақиқат учун кураш қиёматгачами???**

қайириб учинчиси эса бошини ерга босиб қўлиға кишан солиб О7 “Жигули” машинасиға куч билан итариб ўтқазиб олиб кетишади.

Ислон менға уйға телефон қилиб, кеннайи, ўғлингизни қўлиға кишан солиб Жигулида олиб кетишди, деди. Мен Ислонға уйға кел дедим, у келди. Биз бирға Бектемир туман ИИБсиға чикдик. Сўрасак, ўғлингиз кидирувда эди, жиноят кидирув бўлими ходимлари – Шерали, Аслхон, учунчиси шунчалар баджаҳил эдики, унинг дўқ-пўписасидан исми ҳатто эсимда қолмабди, паканароқ тўладан

келган бир йигит эди. Шу ерда тергов бўлимининг ходими майор Файзуллахонов билан гаплашдим. У киши эртаға соат 10 да келинг, масалаға аниқлик киритамиз деди. Эртасиға, яъни 14.02.16 йил куни ИИБға борганимда навбатчидан ичкариға киришға руҳсат сўрасам у кимгадир кўнғироқ қилди кираверишдаги видеокамерада ичкарида бизни кўриб ўтирган раҳбарият “ким келди, бу ёққа қарасин”, деб мени кўрганидан кейин “қабул қилмаймиз уни, қаёққа борса боравурсин”, дейишди. Уларнинг кечаги айтган гапларини эслатганимда “биз сизларға чақирув қоғози жўнатдик, сиз келмадингиз”, деди. Аслида эса ҳеч қандай чақирив қоғози жўнатишмаган эди, чақирув қоғози жўнатишганда ҳар доим борганмиз. Уларға шуни айтсам улар тан олишмади. Ва мен ИИБдан натижасиз кетишға мажбур бўлдим. Туман Прокуратураси ва Республика Бош прокурорига бўлган воқеани маълум қилиб шикоят йўлладим. Эртасиға яъни 14.02.16 куни соат 14-30ларда ўғлимни КПЗдан чиқаришибди. Уйға келди. Кўринишлари бир ҳолатда, курткаси йиртилиб кетган... оёғидаги красофкаси йиртилиб кетган... ҳатто ички кийимлари йиртилган, бошидаги шапкаси эса йўқ эди. Ўғлим руҳан чўккан эди. Мен билан гаплашишни хоҳламади. Бирорта саволимға жавоб ҳам бермади. Ҳатто ҳеч

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

нарса емади. Фақат ўралиб ётиб олди. Мен уни кийнамасдан ўз ҳолига қўйдим. Эртасига эрталаб, бўлган воқеаларни сўзлаб берди. Бектемир ИИБ ТБ бўлимидан В. Тяни ЖКсининг ўнлаган моддалари билан айиблар Бош прокуратурага жиноий иш очишларини сўраб шикоят йўллаганимга қарамасдан, шу бугунгача жиноий жавобгарликга тортилмаган, аксинча яна ўғлимни кўчада юрганида қўй бўғизлагандай ушлаб келтириб ноқонуний тергов ўтказган. Бундай вазиятда В.Тян жиноятчи бўлганлиги сабабли ишдан четлаштирилиши керак эди. Унинг иш юритишга ҳаққи йўқ эди. Аммо улар ўзлари хоҳлаганича сўрок саволга тутишган, видеокамера ишлатиб, рухий босимлар остида ўғлимга ўзлари хоҳлаган айбномани қўйишга мос тергов олиб борган ва бир неча хужжатларга қўл қўйдириб олишган. Жумладан деярли бир йилдан бери судмедэкспертиза ҳулосасини беришларини сўраб ёзган аризамга жавоб бермасдан келишаётган эди. Ўша тиббий ҳулосани олдим деб ўғлимга қўл қўйдириб олишган. Терговчи В.Тян ўғлимнинг ҳали кўзи очилмаган беғубор болалигидан фойдаланган ва ўғлимнинг шунчалар юрагини ёриб қўлига беришган-ки, уйга келганида қаттиқ шок ҳолатда эди. Бу биздаги ҳуқуқ тартибот органларининг бундай қабих йўллар билан мақсадларига

етишлари бугунги кунда янгилик эмас. Мен уларнинг бундай пасткашликларини билганим учун ўғлимни кўздан қочирмасдан эҳтиётлаб юрардим. Аммо бу разил кимсалар ўғлимни бир ишонган дўсти ёрдамида (юқорида ёзганим) нонга чиқишган пайтда “қўлга туширишди”, гўё қидирувдаги катта жиноятчини ушлаб олишди. Бежизга айтишмаган экан, “Дўстингдан топ” ёки “Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга” деб.

Мамлакатимиздаги ҳақиқий товламачи ва ўғрилар Т.Иминов ва А.Фаттохов “Ўзпахтасаноат”ни йиллар давомида талагани учун жиноий иш очишдан кўра шу жиноятни фош қилган одамнинг ўзига ва ўғлига сохта жиноий иш очиш осон. Негаки пулдор АКАХОНлардан кўра бевабечораларнинг хону-монини куйдириш улар учун одатий ҳолдир. Бу энди тарбияга қирадимиз? Бундай ноҳақликларга дучор бўлган ёшлар қандай ҳулосага келадилар?

А.Фаттохов ва Т.Иминов қилган жиноятлар жазоси қиёматгача қолиши керакми??? Уларга қачон қонуний чора қўлланилади??? Жиноятчиларга жазо борми??? Ўзбекистонда Бош прокуратура қачон ишлайди???

Қуйида А.Фаттохов ва Т.Иминов жиноятларини исботловчи далил-хужжатларнинг баъзиларини илова қилаяпман.

Мен А.Фаттоховга тегишли “Акбар-Азизий” ХКга Т.Иминовнинг акахонлик қилиши



натijasида тўрт йил давомида улар тамонидан “Ўзпахтасаноат”нинг пуллари ўзлаштирилганлиги тўғрисида далиллар билан исботлаб саккиз йилдан бери Бош Прокурорни хабардор қилиб келишимга қарамасдан Бош Прокуратура шикоятларимни инобатга олмай, ҳаракатсиз туриб, ваколатсиз ўзидан паст даражадаги органларга гўё бу ишга алоқаси йўқ воситачидай йўллаб ўтиришига, бунинг натijasида менга ва ўғлимга нисбатан “ҳуқуқ қўлловчилар” тамонидан босимлар кучайиб кетганидан ўз НОРОЗИлигимни 2-март куни соат 11 да Президент қароргоҳи олдида ПИКЕТ ўтказиш билан билдирмоқчиман!

Чамангул Негманова



ИШИД га инсонийлик дarsi берилди

Суриянинг шимолида жойлашган жангари гуруҳлардан бири бўлган Шом Жабхаси асир олинган ИШИД аскарларини қатл қилиш жараёнида ўзгача бир усул намоёиш қилиши ва бу орқали бутун дунёга мурожаат қилишди.

Шом Жабхаси асир тушган ИШИД аскарларига турунж рангли бир хил кийимлар кийдириб айнан ИШИД услубида асирларни камера олдида тиз чўктиришди.

Аммо кутилмаганда ажабланарли

бир ҳолат юз берди: Шом Жабхаси мужохидлари видеонинг охирида асирларни қатл қилмасдан, юзидаги ниқобларини чиқариб, “Биз қатл қилиш учун ҳавас қилмаймиз” дея хитоб этишди.

Бу сўзлардан кейин Шом

Жабхаси имомларидан бири видео қаршисида ИШИДнинг асир тушган аъзоларига шундай ваъз ўқиди:

«Сизнинг динингиз ўлдириш бўлса, бизнинг динимиз Ислоҳ қилишдир. Динимиз адолатдир, Ислом дини бошимизнинг тождир. Яхшилик бизнинг тамойилимиз, зулм биздан эмас ва биз ҳам зулм тарафида эмасмиз. Адашганларга яхшилик насихати қилдик. Ўлганларни

на видеога тушурамиз ва на кибр билан бу видеоларни тарқатамиз. Видеого олишга эҳтиёжimiz йўқ. Қалбларни тош қиладиган, инкилобни қорайтирган, бизни томоша қилганларни севинтирадиган, душманларимизнинг ёмонликларини ва интиқом туйғуларини орттирадиган тасвирларга ҳеч эҳтиёжimiz йўқ. Эй экстремист ва қорага бурканган ИШИДчилар, агар сизнинг шиорингиз зулмат ва ниқоб бўлса, бизнинг шиорimiz оқлик ва ниқобсизликдир. Агар ҳавас қилган динингиз қатл қилиш дини бўлса, бизнинг динимиз ислоҳ қилиш ва динни ўргатиш динидир”, дея дунё ва ИШИД га хитоб қилди Муҳаммад Ал Ҳатиб.

ЎХХ абoрот бўлими



«Ўзбек журналистикаси» мурдаси устидан айбнома

Ўзбек журналистикаси ҳақида бир мақола ёзган эдик. Мазкур мақолада Ўзбекистонда журналист бўлишдан ора қилган маъқул деган фикрни илгари сурганмиз. Зотан, адолат ўрнатувчи давросида бўлган касб эгалари зулм тегирмонига сув қуядиган кул бўлгач, бу касбни тутиш ва шу тариқа ундан нон топиш инсоф эгаси учун шармандалиқдир десак, бу хулоса кескин ва эмоционал кўринишда бўлса ҳам, ҳақиқатдир. Минг афсуски, ҳақиқатдир.

Ўзбек журналистлиги ботқоқликка ўтириб қолган. Нада ўтириб қолган, ботқоқликка ботмоқда, чўкмоқда. Аслида, у ҳалок бўлган, ўзбек журналистикасининг ўлик жасади ҳам йўқ бўлиб бормоқда.

Бугун Ўзбекистонда Жаҳон тиллари университетига Халқаро журналистика факультети мавжуд. Буни Каримов очган. Аммо кўзбўямачиликка. Бизда халқаро журналистика бор деб одамларнинг кўзларини бўяш учун қилинган масхарабозлик бу.

Иккинчиси собиқ совет замонидан буён мавжуд бўлган журналистика факультети – бу Ўзбекистон Миллий университети таркибидадир.

Иккала факультетда ҳам Каримов диктатурасининг манкурт аскарлари ишлаб чиқарилади. Бу факультет битирувчилари Каримов режимининг маддоҳи бўлиши шарт, албатта.

Раҳбарият танқид қилишни талаб қилса, танқид қилади, мақташни амр қилса, табиий, мақтайди. Яъни бугун ўзбек журналистлари мия ишлатишлари шарт эмас, таҳлил

қилишнинг ҳам лузуми йўқ – тайёр қолипга тушиб берилса, кифоя. Ҳатто, улар муҳолифат сайтларидаги мақолаларга эплаб жавоб ҳам бера олишмайди. Ўзбекистон Халқ ҳаракати мисолида олсак, мазкур ташкилот сайти мақолаларига асосли жавоблар бериш уларнинг қўлидан келмайди. Сайт эълон қилаётган материалларнинг қайси нукталари асоссиз ёки асосли эканини тадқиқ қила олмайдилар. Чунки мавжуд тузум бунга йўл бермайди. Агар бирор журналист бу ишга берухсат бел боғласа, боши кесилади. Албатта, бундай “масъулиятли” иш учун Президентдан амр келиши керак: “ЎХХнинг сайтида чиққан мақолага раддия ёзларинг!”

Бу амрнинг берилиши даргумон. Чунки сал эс-хуши жойида бўлган журналист сайт мақолалари билан дабдурустан танишиб, улардаги таҳлил ва танқид қаршида эсанқираб қолиши, жавоб излаб довдираши табиий. Чунки сайт материалларида Каримов режими ўрнатган цензура ва зулм йўқ, эрк ва ҳуррият мавжуд, самимийлик бор. Раддия ёзсалар ҳам, берилган қолипга камалиб олиш шарт. Рақибларнинг афзал ўхшашларини тан олиш учун эса Ўзбекистон журналистларида мардлик йўқ. Мардлик қаердан ҳам бўлсин! – биринчи раҳбарнинг ўзи пасткаш ва номард-ку! Қози бузуқ бўлса, додингни кимга айтасан!

Каримов қўл остидагиларнинг мияси бўш, фикрдан йироқ тўтиқушлигини билади. Шунинг учун ўз муҳолифларига раддия ёзишни улардан талаб қилмайди. Масалани бироз конкретлаштирак.

Ўзбекистонда мустақил журналист деган тушунча ғалати ва бегона – журналист ҳам мустақил бўладими???

Ўзбекистон журналистлари “маънавият” тадбирлари, турли “партия”ларнинг зерикарли йиғилишлари, “Олий Мажлис”нинг сессиялари, фермерларнинг “бойиб кетаётгани”, пахта ва ғалла планлари “бажарилгани” ҳақида ёза олишади. Шунингдек, “бахтиёр” оилалар, “иктидорли” ёшлар мавзуси ҳам долзарб. Газеталарда аввалги мақола билан кейингилари фарқсиз – фамилияларни ўзгартириш кифоя.

Халқаро журналист деган ном-ку, бекор ном. Ўзбекистонда бирор журналист халқаро мақомда ишлай олмайди. Каримов чет элга сафар қилса, қандайдир спорт мусобақалари уюштирилса, ўшанда МТРК журналистлари боришади ва Ўзбекистонни “дунё тан олгани” ҳақида ёзишади ва гапиришади. Ҳеч бир журналист мустақил тарзда хорижий давлатлар у ёқда турсин, ўз кишлоғидаги ҳақиқатни тиклашга қодир эмас.

Агар ўзбек журналисти ИШИД ҳукмронлик қилаётган ҳудудга – майли, у ерга эмас (мен ҳам топдим-ку а!) – Сурия ва Ироқнинг ИШИД қўл остига ўтмаган ҳудудларига бориб, тадқиқот ўтказибди; қочоқлар билан суҳбатлашибди; қочоқ оилаларнинг тақдирини ҳикоя қиладиган мақола ёзибди; экологик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммолар қайнаб ётган нуқталарга бориб, ўрганибди, шарҳлар ёзибди, бу шарҳлар ўзбек матбуотида эълон қилинибди, унинг сафарга оид барча харажатлари расмий ташкилот томонидан қопланибди деган гап айтилса, ғирт эртақ деб қабул қилинади.

Ўзбек журналистлари дунёда кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий муаммоларни аниқ нуқталардан туриб таҳлил қиляпти; ўзбекона хулосаларни тақдим этяпти; бошқа манбалардан кўчираётгани йўқ; керак бўлса, халқаро оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларни текширяпти десак, бу гапларимизга афсона эмас, афсоналарнинг афсонаси деб муносабат билдирилади.

Тасаввур қилинг-а:

Ўзбек журналистлари ўзбек ҳукумати таркибини тафтиш қилмоқда.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўзбек журналистлари президентнинг оиласи ва шахсий харажатлари учун кетадиган пулни тафтиш қилмоқда. Ўзбек журналистлари ҳокимларнинг фаолиятини текширмоқда.

Ўзбек журналистлари депутатларнинг ишларини тафтиш этмоқда.

Ўзбек журналистлари муҳолифатга ҳам, ҳукмрон тузумга ҳам бўйсунмасдан мустақил таҳлил олиб бормоқда, бу икки томоннинг фаолиятини адолатли баҳолаб бермоқда.

Ўзбек журналистлари мактаб, коллеж, лицей, университет дарслари сифатини текширмоқда.

Ўзбек журналистлари Республикадаги ишсизларнинг ҳолатини ўрганмоқда.

Ўзбек журналистлари Ўзбекистон диний муҳитини тадқиқ қилмоқда. Диндорликка бўлган муносабатни ўрганмоқда – деган қатор гапларга ақли бутун одам ишона олмаслигини биласиз, тўғрими? Чунки бу ишларнинг ҳеч бири – юздан, мингдан бири Ўзбекистондаги ўзбек журналистлари томонидан амалга оширилаётгани йўқ.

Бу ҳол эса ўзбек журналистикаси деган атаманинг таги йўқлигини кўрсатади.

Ўзбек журналистикаси хўжақўрсинга кўйиладиган спектакль, кўғирчоқлар театри эканига исботдир бу.

Ўзбекистонда ўзини: “Журналистларнинг журналистиман!” – деб юрганлар кам эмас. Ўзларини дохий журналист деб фаҳм этадиганларнинг саноғи йўқ. Аммо уларнинг аксари хаёлига биз қўйган муаммоларни ҳал қилиш нияти келмаган ҳам.

Ўзбек журналистлари учун “Олтин қалам” деб номланган Каримов асос солган мукофот юксалиш чегарасидир. Зотан, улар, айтганимиздек, золим режимнинг орсиз куллариدير.

Ўзбекистонда журналистлар уюшмаси деган ташкилот борлигини эшитиб кулгингиз келади. “Журналистлар уюшмаси” эмиш! Шундай ном бор ва бир қанча мажлис протоколлари бор. Аслида, ташкилот йўқ, фаолият йўқ. Дарвоқе, ўзини журналист деб атайдиган тоифа ҳам бор.

Бу ҳолатни биздан кўра яхши билишади Ўзбекистонда.

Ўзбек зиёлилари борки, жуда ҳам оқил! Уларга мардлик, ҳақгўйлик ҳақида гап очсангиз, “Тирик қолишинг жиҳоддир!” – дея таълим берадилар. Шунда беихтиёр агар жиҳод деб номланган тушунча тириклик ила ўлчанса, ҳайвонлар ҳам жиҳод қилар экан деб ўйлай бошлайсиз.

Ўзбек зиёлилари, ўзбек олимлари, ўзбек журналистлари мавжуд ҳолга кўниқиб бўлишди. Улар қимирлагилари келмайди. Улар ҳаракатни хушламайдилар. Умрни ўтказиш, вақтни беҳуда нарсаларга сарфлаш билан яшайдилар.

Ўзбек зиёлилари Каримовнинг ўзи кучдан кетишини кутадилар, агар ҳақиқатан шундай бўлса! Улар Каримов ва унинг режими кучдан кетгач, жасоратга тутинадилар. Аммо золимни кучдан кетказадиган ҳаракат қилмайдилар. Золимга қарши курашмайдилар. Золимга бош эгадилар. Бу ишларини эса минг хил ваз билан оқлайдилар. Ёшлардан кимдир жасорат ва мардлик ҳавосидан нафас олса, зудлик билан уни бўғишга интилишади:

“Агар узокқа боргинг келса, узок яшагинг келса, қисиб юр! Сиёсатга аралашма! Умринг қамокда ўтиб кетади! Турмага олиб бориб икки марта биқинингдан мушт есанг, жағингга тепки тушса, кейин кўрасан! Танимаган одамларингни айблаб ҳам ёзиб берасан. Хаёлингга келмаган жинойтларни тан оласан. Биласанми, бугун тоштурмалардаги ўн та маҳбуснинг тўққизтаси кимлар? Сенга ўхшаганлар – ҳаммаси мустақилликдан кейин туғилган йигитлар! Маҳбуслар ичида котил, ўғрилдан кўра сиёсатга қарши бўлган, диний экстремист, террорист деб қамалганлари кўп! Уларнинг ҳаммаси йигирма ва ўттиз ёш оралиғида! Биласанми, бу нимани билдиради? Бу агар ўзбек ҳукумати, МХХ сенинг изинга тушса, шафқат қилмаслигини билдиради! МХХ ўзингни жувонмарг қилса ҳам майли, уруғингни ҳам қурилади! Ҳамма жинойтларни бўйнингга олганингдан сўнг эса ё касалван қилиб чиқаради ё ўлигингни чиқаради! Биласанми анави Фалончини? Ўша Фалончи Покистонда ўқиган. Умрида бир марта Тохир Йўлдош билан бир дастурхонда ўтириб қолган экан. Тошкентга келди, ўн йил яшади, кейин уни тутиб қамадилар? Биласанми, нега? Чунки уни Тохир

Йўлдош командасига бу ердан туриб маълумот етказиб берган деб айб қўйилди. Аслида, у ўз эҳтиётини қилиб қишлоқдан чиқмаган. Уйланган, тўртта фарзанд кўрган. Қамалди. Беш йилга. Муддати тугаган эди – яна беш йил қўшиб беришди. Бу беш йил ҳам тугаётиб яна беш йил қўшиб беришибди! Ҳей бола! Бу Фалончининг катта ўғли йигирмани қоралаб қолди, уйланадиган бўляпти, қизлари эрга тегадиган! Лекин ота қамокда! Ота – тирик, аммо қамокда! Буларни ким уйли-жойли қилади? Қайси ота-она маҳбуснинг болаларини келин ё куёв қилади? Бу замонда ким бунни истайди? Ҳеч ким! Бу оиладан йироқ юраин дейди! Шуларни кўра туриб, била туриб бўқ борми исён қилиб? Бало борми сиёсатимизга қарши китобларни ўқиб? Жим юр! Қисиб юр! Фалончи қори болаларни ўқитар эди, Қуръонни ёдлатар эди. Ҳовлисида ҳар куни йигирма-ўттиз шогирди бўларди. Ўзи деҳқончилик қилади. Ҳам болаларга араб тили ва Қуръон ўргатади. МХХ ҳамма қориларга тўхтатинглар ўқитишни деди. Ҳамма тўхтатди. У тўхтатмади. Охири обориб қамаб қўйишди. Ўн беш кун панельнида ўтириб чиқди. Нима деди шу қори, биласанми? “Турмада ўтирган ўн беш куни озодликда юрган вақтда ўқиган бир вақт намозимга арзимайди! Турмада ўтириб қазо қилган бир вақт намозимни ўн беш кунлик ҳибс оқлаб беролмайди!” Жим юр! Қисиб юр!”

Мана бу ўзини, эркини салгина англаб қолган йигитларга бериладиган танбеҳнинг “классик” намунаси. Бу гапларни фақат биз биламиз, Ўзбекистонда ҳеч ким билмайдими? Масалан, журналистлар билмайдими? Билади! Журналистлар ҳаммадан яхшироқ, тиниқроқ билишади! Аммо улар ҳам “қисиб” юришни маъқул топишади. Ахир, уйланган, оиласи бор, ота-онаси бор...

Биз мақоламизни “Ўзбек журналистикаси» мурдаси устидан айбнома” деб номладик. Сарлавҳада ўзбек журналистикаси бирикмасини қўштирноққа олдик. Зотан, бу мурда аслида мавжуд бўлмаган, мавжуд бўлишга озгина уриниб чала туғилган бир вужуд эди. Бугун у мурда ҳолига келди. Айбномамиз шу мурдани яхшироқ таниш ва бошқаларни тирилишга ундаш учун ёзилди.

Абдуллох Нусрат

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Онаси — бошқарувчидан тортинмайди ҳам — сочлари паришон, турмакланмаган, қўлларини қовуштириб, отасига бокди. Кейин Грегорга қараб икки одим босдию гушпа йиқилди: юбкаси чодирдай кўтарилиб кетгани учун юзи кўринмасди. Отаси бўлса Грегорни хонасига ҳайдаб киритишга шайлангандай муштини қисди. Сўнгра гарангсиганча меҳмонхонага кўз югуртирди, қўллари билан юзини бекитиб, бирдан хўнграб юборди. Унинг қудратли елкалари силкиниб-силкиниб тушарди.

Грегор меҳмонхонага ўтмай, эшик табақасига суянганича турар, шу сабаб унинг қийшайган бошию гавдасининг ярми кўринарди, холос. Шу орада кун ҳам ёришиб, кўчанинг нариги бетигаги узун иморатнинг бир бўлаги яққол кўрина бошлади. Деразалари одамнинг юрагини сиқиб юборадиган даражада бир хил жойлашган бу бино касалхона эди. Ёмғир ҳамон ёғар, лекин энди томчилари йирик-йирик гўё ҳар бири алоҳида мустақил равишда ерга тушарди. Грегор столга кўз югуртирди. Дастурхонда нонуштага тайёрланган идиш-товоқ кўп эди. Зеро, Грегорнинг отаси учун нонушта куннинг муҳим маросимларидан ҳисобланар, бунга газета ўқиш ҳам кирар, бу жараён соатлаб давом этар эди. Рўпарадаги деворга Грегорнинг ҳарбийда тушган сурати осилган. Суратда ёш лейтенант қилич сопига қўлини қўйиб, парвойи фалак жилмаяр ва ўз қадди-қомагига, мундирига томошабиндан иззат талаб қилар эди.

— Мана, мен, — деди Грегор ўзидан бошқа ҳамма саросимага тушганини пайқаб, — ҳозироқ кийиниб, газмол намуналарини жойлайману жўнайман. Сизлар менинг жўнашимни истайсизларми, ахир? Мана, жаноб бошқарувчи, кўриб турибсиз, мен мутлақо қайсар эмасман, мен жон деб ишлайман, ишлаяпман ҳам: тўғри, йўл азоби ёмон, аммо мен йўлсиз, сафарсиз яшай олармидим? Қаерга кетяпсиз, жаноб бошқарувчи! Идорагами? Ундай бўлса, нима гаплигини айтиб берарсиз уларга? Баъзан одам ишлашга қурби етмай қолади, лекин худди шундай пайтда унинг аввалги хизматларини ҳисобга олиб, кечирилса, у албатта яна ҳам яхшироқ меҳнат қилади,



Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-3

деб хулоса чиқариш мумкин-ку. Ўзингизга маълум, хўжайин менга кўп яхшиликлар қилган. Унинг олдида қарздорман. Қолаверса, ота-онамга қарашим керак. Бошимга кулфат тушди, лекин бундан кутулиб чиқаман. Фақат сиз ўлганнинг устига тепган қилманг. Фирмада ёнимни олинг, илтимос. Гумашталарни ҳеч ким яхши кўрмайди, биламан. Улар яхши пул ишлаб, роҳат-фароғатда кун кечиради, деб ўйлайди одамлар. Лекин сиз, жаноб бошқарувчи, идорадаги бошқа ходимларга нисбатан ҳақиқатни яхшироқ биласиз. Савдо гумаштаси ҳаётининг нима эканини сиз ҳатто хўжайиндан ҳам — гап ўртада қолсин — хизматчи ҳақида ёмон фикрга борадиган хўжайиндан ҳам яхшироқ биласиз. Савдо гумаштаси бир йил муттасил сафарда юриб, фиску фасод ёки асоссиз айблар қурбони бўлиши мумкинлигини ҳам биласиз. Гумашта бу хил ҳужумлардан ўзини химоя қилолмайди, чунки ҳеч нарсани билмайди, фақат сафардан чарчаб қайтгандагина ҳаммасига тушунади, сабабсиз оқибат захрини ўз танасида синаб кўради. Жаноб бошқарувчи, кетманг! Жиндай бўлса-да бир оғиз сўз билан менинг ҳақлигимни маъқулланг!

Лекин бошқарувчи Грегор гапга тушган заҳотиёқ, тескари ўгирилиб олган, лабини ғалати чўччайтириб, тинмай учаётган елкаси оша Грегорга қарар ва секин, ниҳоятда секин, гўё сирли бир тақиқ уни

хонадан чиқишга қўймаётгандай ундан узоклашар эди. Бошқарувчи даҳлизга етганида оёғини кескин кўтарди. Буни кўрган одам бошқарувчи оёғини куйдириб олди, деб ўйлаши мумкин эди. Ниҳоят, у бўсагадан ҳатлаб, худди жаннатга чиққандай қўлларини олдинга, зинапоя томон чўзди.

Бошқарувчи шу кайфиятда кетса фирмада шусиз ҳам ўзи қил устида турган обрўсига баттар путур етишини Грегор яхши биларди. Ота-онаси буни тушунмас, улар ўғлини фирмада муқим ўрнашган, деб ўйлар, бугунги ҳодиса эса уларни тамомила довдиратиб қўйган эди. Лекин Грегорда довдирашдан асар ҳам йўқ эди. Бошқарувчини тўхтатиш керак, уни аврамоқ лозим, ишонтириш, тинчлантириш зарур, токи у Грегорга ён боссин; ахир, бутун оиланинг ҳам, Грегорнинг ҳам келажаги шунга боғлиқ! Эҳ, синглиси кетиб қолди-да! Ақлли киз у — ҳали Грегорнинг ўзи ҳам фалокатни сезмай, бемалол ётганида, синглиси йиғлай бошлаган эди, Шубҳа йўқки, бошқарувчи аёлларни хуш кўради. У синглисига қайишарди. Қиз кўча эшигини ёпиб кўярди-да, илтижо қилиб бошқарувчининг кўнглини кўрқувдан фориг этарди. Афсус, синглиси кетиб қолди. Энди Грегорнинг ўзи ҳаракат қилиши керак. Грегор нутқининг тушунарсиз эканлигини ҳам унутиб, оёқларининг қандай юришидан беҳабар, эшик табақасини қўйиб юборди-да, бошқарувчи томон (у кулгили алфозда, зинапоя панжараларига маҳкам ёпишганча қотиб турарди) ўрмалади, лекин кўтилмаганда заиф бир қичқирдию юзтубан йиқилди. Йиқилди-ю, шу заҳоти эрталабдан бери биринчи марта ўнғайлик сезди. Негаки, оёқчалари остида қаттиқ ер бор ва бу оёқчалар (ичида қувонди) унга бўйсунар, ҳатто Грегорни хоҳлаган жойга элтиш учун ўзлари ҳаракат қилар эди. Аммо Грегор эшикни қўйиб юборган, мувозанатини йўқотиб, онасининг пойига йиқилар экан, паришон ўтирган она ўрнидан сапчиб туриб, қўлларини керганча, бармоқларини чангак қилиб, чинқирди: «Ёрдам беринг! Худо хайрингизни берсин, ёрдам беринглар!» Шундай деди-ю, гўё Грегорнинг юзини яхшироқ кўрмоқчи бўлгандай энгашди, аммо кўришга улгурмай, яна ортга тисарилди. Она беихтиёр

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

орқасидаги ясатиб қўйилган столга ўтириб қолди, ағдарилиб кетган идишдан гиламга қаҳва тўкилаётганини мутлақо сезмади.

— Ойи, ойижон! — деб секин шивирлади Грегор ва пастдан онасига қаради.

Бошқарувчи, бир зум хушини йўқотган бўлса ҳам, гиламга оқаётган қаҳвани кўриб, тоқати тоқ бўлди, оғзини каппа-каппа очиб, нафас олди. Буни кўрган она ўтирган жойидан сакраб тушди-да, бир чинқириб, ёрдамга етиб келган ота кўксига йиқилди. Аммо уларни ўйлаб ўтиришга Грегорнинг вақти йўқ эди, чунки бошқарувчи аллақачон зинага қадам қўйган ва панжарага иягини тираб, Грегорга сўнгги бор қараётган эди. Грегор жон ҳолатда унинг орқасидан ўрмалади. Лекин бошқарувчи ниманидир сезди шекилли узун зинапоядан икки-уч хатладию ғойиб бўлди. Фақат пастдан унинг «Фу!» деган товуши эшитилди. Афсуски, бошқарувчининг кетиб қолгани шу пайтгача хотиржам турган отасининг жаҳлини чиқарди. У ўнг қўлига бошқарувчи эсидан чиқариб қолдирган (у пальто билан шляпасини ҳам унутган эди) ҳассани, чап қўлига газетани олиб силкитганча, Грегорни ўз хонасига ҳайдай бошлади. Грегорнинг илтижолари унга кор қилмас, бу илтижоларни тушунмас ҳам эди: бошини чайқаб қанча ялинмасин, отаси қаттиқроқ ер тепинар эди. Онаси, ҳаво салқин бўлишига қарамай, очик дераза олдида, қўллари билан юзини бекитганча, қотиб турарди. Кўча билан зинапоя майдончаси оралиғида елвизак пайдо бўлди. Столда газеталар шитирлади. Бир неча қоғоз полда сирғалиб уча бошлади. Ота бўлса, ҳамон ёввойи одамлардай ғалати пишқириб, ўғлига ҳамла қилар, аммо Грегор ҳали орқасига тисланишни ўрганмагани учун, ниҳоятда секин силжир эди. Агар у ўнгарилиб олса, дарров хонасига кирган бўларди. Лекин бу имиллашда отасининг газаби баттар кўзиб, унинг қўлидаги ҳасса Грегорнинг ё боши, ё елкасига тушиши ва ҳаёти хавф остида қолиши мумкин эди. Бу ҳолда эса Грегор ўзининг қайси йўналишда кетаётганини билмасди ва шунинг учун у тезда бир қарорга келди: отасига кўрқа-писа қараб, хона тарафга қайрила бошлади. Отаси унга

Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-3

халақит бермай, унинг ҳаракатини маъқуллагандай бўлди, ҳатто ҳасса учи билан ўғлига ёрдам беришга тутинди. Отаси газабдан илондай вишилламас, Грегор бунчалик довдирамас эди. Бу вишиллашни эшитиб, Грегор сал бўлмаса хатога йўл қўймоқчи эди-ю, лекин дарров ўзини ўнглади. Бир амаллаб бошини ётоғи томон бурганида, ҳаддан ташқари кенглигидан, танаси эшикка сиғмаслиги маълум бўлди. Отаси газабдан эшикнинг иккинчи табақасини очиб, Грегорни ўтказиш мумкинлигини ҳам унутган эди. Унинг фикри-зикри Грегорни тезроқ, иложи борича тезроқ хонасига ҳайдаш. Албатта у Грегорнинг тикка туриб хонага кириш учун тайёргарлик кўришига асло рози бўлмас эди. Гўё Грегорнинг олдида ҳеч қандай тўсиқ йўқдай, отаси унга янада қаттиқроқ бақирди. Кейин шовқин кучайиб, бақираётган фақат отаси эмаслигини, вазият баттар оғирлашганини пайқаган Грегор, нима бўлса бўлди, дея ўзини эшикка урди-ю, гавдасининг бир томони кўтарилиб, остонада кўндаланг туриб қолди. Ярадор биқинидан оқ эшикка хунук доғлар сурқалди. У эшикка қаттиқ тикилиб қолди, ёнбошдаги оёқчалари ҳавода осилганча заиф типирчилар, пастдагилари эса полга қапишган эди. Шу пайт отаси унинг кетидан зарб билан тепди, бу нажот тепкисидан қонга беланган Грегор хонасига учиб кирди. Отаси эшикни ҳасса билан ёпди. Ниҳоят, сукунат тушди.

II

Грегор ғира-шира қоронғи тушганда беҳушликка ўхшаш оғир бир уйқудан уйғонди. Уни безовта қилмасалар, салдан кейин ўзи уйғонарди, аммо кимнингдир енгил қадами ва дахлиз эшигининг оҳиста ёпилгани Грегорни эртароқ уйғотиб юборди. У етарли ухлаб, яхши дам олди.

Шифтга ва жавоннинг тепа қисмига кўчадаги электр чирокларидан нур тушиб турса ҳам, паст — Грегор ётган жой қоп-қоронғи эди. Грегор эндигина кадрига етган оёқчалари билан пайпасланиб эшик томон ўрмалади. Уни уйдаги воқеанинг давоми кизиқтирарди. Лекин Грегорнинг чап биқини узун чандиққа ўхшаб,

ёқимсиз санчар ва оёқлари кўплигига қарамай, чинакамига оқсоқланар эди. Хайриятки, эрталабки можарода Грегорнинг фақат битта оёғи яраланган, ҳозир у полда жонсиз судралар эди.

Грегор эшикка етганда нега бу ёққа ўрмалаганини тушунди: уни қизиқувчанлик эмас, балки овқат ҳиди безовта қилган экан. Нақ бўсага тагида оқ нон тўғралган сут тўла чаноқ турарди. У қувончдан чапак чалиб юборишига сал қолди, чунки иштаҳаси эрталабкидан ҳам яхшироқ эди. У, вақтни бой бермай бошини сутга тикди, аммо шу ондаёқ таъби хира бўлиб, бошини кўтарди. Негаки, ярадор биқини қаттиқ оғриб, унга халақит берарди. Иккинчидан, Грегор овқатланаётганда вужуди қалтираб, узлуксиз пишиллашга маҳкум эди. Бу ҳам етмагандай, доим хуш кўрадиган ичимлиги (синглиси буни биларди) сут ҳам ҳозир мазасиз туюлди. Грегор чаноқдан ирганиб юз ўтириб-да, хона ўртасига ўрмалаб кетди.

У эшик тирқишидан меҳмонхона чироғи ёниб турганини кўрди. Ҳамма уйда бўлса ҳам, тик этган овоз чикмасди. Грегор қоронғиликка тикилганча, «Менинг оилам шунақа тинч, осойишта кун кечирар экан-да!», деб ўйлади. Ота-онаси билан синглиси учун шундай ажойиб уйда, ажойиб ҳаёт кечириш имкониятини яратган одам ўзи эканлигини ўйлаб, Грегорнинг кўкси ғурурга тўлди. Агар бугун шу фароғату шу тўқчилик илдиғига болта урилган бўлса-чи? Бу фикрдан қочиш мақсадида Грегор оёқларининг чигилини ёзган бўлиб, хонада у ёқдан бу ёққа ўрмалай бошлади.

Бутун окшом мобайнида эшик фақат бир марта очилди-ю, дарров ёпилди: чамаси кимдир кирмоқчи бўлди, аммо кўрқди. Грегор бу журъатсиз одамнинг кимлигини билмоқчи бўлиб, меҳмонхона эшиги олдида узоқ, аммо беҳуда кутди. Эшик қайта очилмади. Эрталаб Грегор қамалиб олганида ҳамма унинг ёнига кириш учун тиришган эди.

(Давоми келгуси сонда)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов